

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД – 5220100- 3.12
2016 йил “9” 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “22” 01

ЖАҲОН ЖУРНАЛИСТИКАСИНИНГ ЯНГИ КЎРИНИШЛАРИ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқук
Таълим соҳаси:	220 000 – Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши:	5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Тошпўлатова Н. – “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири, ф.ф.н..

Шукурова Г. - “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси ўқитувчиси

Такризчилар:

Каримов Ф.Т. – “Turkiston” газетаси бош муҳаррири

Қосимова Н. – ЎзДЖТУ, “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси мудири, ф.ф.н., доц.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

“Жаҳон журналистикасининг янги кўринишлари” фани фриланс, стрингер, копирайтинг, рерайтинг каби янги йўналишларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш асослари, мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари, замонавий журналистикада тутган ўрни, ўзига хос хусусиятлари, бу йўналишларга кўйиладиган замонавий талаблар сингари мавзулари узвийлик ва узлуксизлик нуқтаи-назаридан мантиқий кетма-кетликда ўз аксини топган. Шунингдек, мазкур фан талабаларга фавқулодда вазиятларда журналистик фаолият ҳақида ҳам умумий тасаввур беради. Ушбу фаннинг илмий-назарий ва амалий асослари халқаро журналистика йўналишида таълим берадиган жаҳоннинг деярли барча университетларида кенг ўргатилади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

«Жаҳон журналистикасининг янги кўринишлари” фанининг асосий мақсади – халқаро журналистика соҳасида таҳсил олаётган талабаларга жаҳон журналистикасининг замонавий кўринишлари: фрилансер, стрингер, копирайтинг, рерайтинг, шунингдек, фавқулодда вазиятларда журналистика кабилар ҳақида маълумот бериш, уларнинг моҳияти, вазифалари ва ўзига хос хусусиятларини тушунтиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси – уни ўрганувчиларга:

- жаҳон журналистикасининг: фриланс, стрингер, копирайтинг, рерайтинг сингари замонавий кўринишлари;
- фавқулодда вазиятларда журналистик фаолият тушунчаси;
- замонавий журналистик фаолиятнинг бу кўринишлари ўртасидаги тафовутларни фарқлаш;
- уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш, илмий-назарий асослари, замонавий жамиятда тутган ўрни борасидаги билимларини тизимлаштириш;
- жаҳон журналистикасининг тарихий ва назарий билимларини пухта ўзлаштирган ва соҳанинг ўзига хосликларини тушунадиган, фарқлай оладиган

профессияларда замонавий технологиялардан кенг фойдалана оладиган малакали мутахассислар етиштиришдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар

«Жаҳон журналистикасининг янги кўринишлари» фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

– Ахборот даврида журналистикада янги кўринишлар ва янги мутахассисликларнинг пайдо бўлиши;

– фриланс журналистиканинг юзага келиши;

– стрингер журналистиканинг юзага келишига сабаб бўлган омиллар;

– журналистикада интерактивлик хусусиятларининг ривожланиши;

– ОАВ конвергенциялашуви ва фуқаролик журналистикасининг ривожланиши;

– фуқаролик журналистикасининг ўзига хос белгилари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– ахборот глобаллашган ва журналистиканинг янги турлари юзага келиши;

– журналистикада янги фаолият турларини;

– фриланс иш ўринлари ва фрилансерлар фаолиятини;

– фриланс журналистиканинг ўзига хосликларини;

– жамоатчи мухбир ва фриланс журналист ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни;

– фриланс журналист учун қўйиладиган касбий талабларни;

– стрингер журналистиканинг ўзига хос жиҳатларини;

– стрингер журналистикасида ижод маҳорати, ва касбий фаолиятнинг ахлоқий ва ҳуқуқий асосларини;

– жамиятнинг демократлашуви ва электрон ҳукумат тизими тараққиётида фуқаролик журналистикасининг ўрнини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

– журналистиканинг янги турларида фаолият юритиш;

- журналистика соҳасидаги янги технологияларда ишлаш ва журналистик ижод билан шуғулланиш;
- ОАВ таҳририятлари билан шартнома тузиш ва ҳамкорлик олиб бориш;
- расмий ва норасмий фрилансерлар фаолияти ва уларнинг ОАВ билан ҳамкорлиги;
- фрилансер ва стрингерларнинг воқеликка ёндашуви, касбий позициясини акс эттириш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

«Жаҳон журналистикасининг янги кўринишлари» - асосий ихтисослик фани ҳисобланади. Дастурни амалга ошириш учун умумкасбий ва назарий фанлар, хусусан “Жаҳон ва Ўзбекистон журналистикаси асослари”, “Журналистика ижод маҳорати асослари”, “Журналистиканинг халқаро ҳуқуқий асослари”, “Журналистик ижодда психологик ва социологик усуллар” каби фанлар билан узвийлиги талабалардан ушбу фанлардан етарли билим, кўникма ва малакага эга бўлишини талаб этади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Халқаро журналистика соҳасида таҳсил олаётган мутахассис бугунги кунда дунё миқёсида замонавий халқаро журналистика билан боғлиқ бўлган муаммолар, анъанавий журналистика кўринишларининг ўзгариши билан боғлиқ жараёнлар, халқаро ОАВ хусусиятлари ҳақида тушунчага эга бўлиш, шунингдек, ахборот билан ишлашнинг талаблари ва қонуний асосларини халқаро ва миллий ахборот маконида билиш ва фойдалана олиши муҳим.

Шу боисдан ҳам «Жаҳон журналистикасининг янги кўринишлари» фани журналистиканинг ижтимоий вазифаси тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, ўз навбатида жаҳон журналистикасининг бугунги замонавий талаблари журналистлар олдига катта масъулият қўйиб, улардан бу соҳасида, ахборот ва аудитория билан ишлашда умумий ва соҳа билимларини яхши билишларини

талаб этади. Талабаларнинг жаҳон журналистикасининг замонавий кўринишлари борасидаги билимларини конкретлаштириш билан бирга, амалий фаолиятдаги ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, зарур кўникмаларга эга бўлишга ёрдам беради.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талаба «Жаҳон журналистикасининг янги кўринишлари» фанини ўзлаштиришда таълимнинг илғор ва замонавий усуллари билан фойдаланиш, янги инновацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, таркатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялар қўлланилади. Техник ва кўргазмалар воситалар машғулотнинг мазмуни ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи томонидан белгиланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Жаҳон журналистикаси замонавий типологияси

Жаҳон журналистикасининг умумий типологик хусусиятлари, мазмуни ва ташкилий тузилиши. Журналист фаолиятининг илғор тамойиллари ва ёндашувлари. Хорижий журналистика, халқаро журналистика ва жаҳон журналистикаси атамалари, улар мазмунидаги ўхшашлик ва тафовутлар. Ривожланган мамлакатлар журналистикаси учун хос асосий тамойилларнинг вужудга келганлиги.

Замонавий журналистикадаги ўзгаришлар

Замонавий дунёда журналистиканинг моҳияти ва табиати. Жанр ва шакл ўзгариши тенденциялари. Жаҳон журналистикасининг замонавий кўринишлари: фриланс, стрингер, копирайтинг, рерайтинг, фавкулотда вазиятларда журналистиканинг моҳияти, хусусиятлари, вазифалари.

Ахборот билан ишлашда умумийлик ва ўзига хослик.

Фриланс журналистиканинг юзага келиши

ОАВнинг анъанавий модели инқирози. Коммуникациянинг замонавий воситалари. Журналист-агрегатор ва мутахассис. Фриланс журналистиканинг ўзига хосликлари. Жамоатчи мухбир ва фриланс журналист ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар.

Фриланс журналистлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Сўз ва матбуот эркинлигининг халқаро ҳуқуқий асослари – фриланс журналистикаси фаолиятининг кафолати сифатида. Фриланс журналистларининг касбий мақоми (иш ўринларига эга бўлишлари) ва фрилансерлар фаолияти билан боғлиқ муаммолар: халқаро тажриба.

Фриланс журналист учун қўйиладиган касбий талаблар

Оммавий коммуникациянинг асосий хусусиятлари борасидаги анъанавий тушунчалар. Фриланс журналистика фаолияти кўлами. Холислик ва ҳаққонийлик тамойиллари фриланс журналистикасининг асосий принципи сифатида. Фриланс журналистларнинг ОАВ билан ҳамкорлиги, таҳририятлар билан тузиладиган шартномалар. Журналистик асар яратишда тил, услуб ва маҳорат масалалари.

Стрингерлик – замонавий журналистиканинг янги кўриниши сифатида

Стингерлик тушунчаси ва моҳияти. Журналистикада стингерликни пайдо бўлишининг муҳим омиллари. Стрингерликнинг ўзига хос жиҳатлари. Стрингер – чегара билмас журналистлар, улар фаолиятининг мазмуни. Стрингерлар фаолиятининг анъанавий журналистикадан фарқли жиҳатлари.

Стрингер журналистикасида ижод маҳорати масалалари

Стрингерлар фаолиятида ижод масаласи. Стрингерларнинг воқеликка ёндашуви. Стингерларнинг журналистик асар яратишдаги маҳорати. Стрингер журналистикада касбий ахлоқ масалалари.

Фриланс ва стрингер журналистикаси: муштарак ва ўзига хосликлар

Фриланс ва стрингерлик журналистиканинг янги кўринишлари эканлиги. Журналистиканинг умумназарий билимлари фриланс ва стингерликка тааллуқли эканлиги. Фрилансер ва стрингерлар билан боғлиқ зиддиятлар: касбни суистеъмол қилиш, буюртмачилик ва ахборот хуружларини уюштириш ва ҳ.з.

Фавқулодда вазиятларда журналист фаолияти

Фавқулодда вазиятларда ахборот олиш ва узатишда халқаро ва миллий ҳуқуқий меъёрлар. Холислик, фактлар билан ишлашдаги масъулият. Ахлоқий меъёрларга риоя этиш масаласи.

Копирайтер ва рерайтерлар фаолияти

Копирайтер-реклама ва тарғибот материалларини тайёрловчи журналист сифатида. Копирайтинг турлари ҳақида тушунча. Копирайтинг, реклама, ПР: ўхшаш ва фарқли жиҳатлар. Рерайтер вазифаси, у фойдаланадиган методлар. Копирайт ва рерайт материаллар ёзишда маҳорат масаласи.

Семинар машғулотларнинг тахминий рўйхати

1. Замонавий журналистиканинг моҳияти ва шаклдаги ўзгариш тенденциялари.
2. Жаҳон журналистикасининг замонавий кўринишлари: фрилансер, стрингер, копирайтинг, рерайтинг, фавқулодда вазиятларда журналистика.
3. Коммуникациянинг замонавий воситалари. Журналист-агрегатор ва мутахассис.

4. Журналист-энг хавfli касб сифатида. Журналистга нисбатан тахдид ва уни бартараф этиш йўллари.
5. Фрилансер ва стрингерлар позицияси.
6. Фавкулудда вазиятларда журналистика.
7. Медиа бизнесда фрилансер ва стрингерлар манфаатлари.
8. Ахборий жамиятда фриланс журналистикага эҳтиёжнинг ортиши.
9. Копирайт ва рерайт материаллар ёзиш маҳорати.
10. Халқаро ва миллий ахборот маконида фрилансер ва стингерлар фаолиятига қўйиладиган талаблари ва уларнинг ҳуқуқий асослари.
11. Ахборот маконида фаолият юритишда касб этикасига амал қилиш. Ахборот истеъмоли маданияти.
12. Келажак журналистикаси ҳақидаги тасаввурлар.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс лойиҳасини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзулар бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- илмий мақола, анжуманларга тезислар тайёрлаш;
- назарий мавзуларга оид презентациялар тайёрлаш;

«Жаҳон журналистикасининг янги кўринишлари» фани доирасида жаҳон журналистикаси, халқаро журналистикага оид берилган адабиётлар, Интернет материалларини ўқиш. Улар асосида маърузаларда ўрганилган жаҳон

журналистикасининг замонавий кўринишларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва унга мувофиқ топширилган ёзма иш, реферат, курс иши ҳамда малакавий-битирув ишларининг йўналишини аниқлаштириш кўзда тутилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Замонавий дунёда журналистиканинг моҳияти, табиати, жанр ва шакл ўзгариши тенденциялари.
2. Фриланс ва стрингер журналистининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
3. Копирайтинг, рерайтинг, реклама, ПР: ўхшаш ва фарқли жиҳатлар.
4. Масс медиа технологияси ва ОАВнинг коммуникатив технологиялари: тадрижий тажриба асосида.
5. Фавқулодда вазиятларда журналист масъулияти.
6. Халқаро ахборот бозорида замонавий жараёнлар ва медиа-бизнес.
7. Глобал ахборий жамиятда журналист фаолияти мазмуни.
8. Ижтимоий ва оммавий коммуникациянинг анъанавий шакли трансформацияси.
9. Дунё ахборот майдонида ахборот етказиб берувчи ва ахборот истеъмолчисининг талаблари.
10. Жаҳон журналистикасининг замонавий кўринишлари ва касб этикаси масаласи.

Дастурнинг информацион-услугий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида:

– замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнида тўғри ва самарали татбиқ қила олиш;

– амалий машғулотларда, хусусан, фрилансер ва стрингерлар фаолиятида журналистика қонуниятлари ва ахлоқ кодексининг амалий жиҳатларини ўрганишда таълим технологияларидан, амалий иш ўйинлари ва бошқа методларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Шунингдек, “Ақлий ҳужум”, “Дебатлар”, “Инсинеровка”, “Жумбоқ”, “Матбуот конференцияси”, “Брифинг” каби интерактив технологиялар ҳамда ахборот олишнинг турли йўллари (расмий ва норасмий) жамоа бўлиб ишлаш, таҳлил, тадқиқот, манбаларни қиёслаш, мантикий мушоҳада каби методлардан фойдаланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Михайлов С.А. Современная зарубежная журналистика: правила и парадоксы. Учебное пособие. СПб: Изд-во Михайлова В.А., 2002.
2. Назаров М.М. Массовая коммуникация в современном мире. М.: «Едиториал УРСС», 2003.
3. Ирназаров К.Т. ва б. Ҳозирги замон журналистикаси. – Т.: ЎзМУ, 2008.
4. Законы и практики Средства Массовой Информации в странах Европы, Америки. - М.: Издательство “Галерея”, 1999.
5. Федор Добрянский. Управление фрилансерами: Методы и практика. — М.: Альпина Паблишер 2009. — 132 с. — («Инструменты и методы»). — ISBN 978-5-9614-0924-6 шимча адабиётлар:

Қўшимча адабиётлар:

1. Дўстмухаммедов Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси – Т: 2011
2. Трюшкин В.Ю. Права человека. Учебное пособие. – М., 1997.
3. Профессиональная этика журналиста. (Документы и справочные материалы) М.: 2002.
4. Китаева М. Черно-белый фриланс. Журнал «Деньги» (01.10.2012).
5. Михаил Малыхин. Исследователи выяснили: кто в России занимается фрилансом. Ведомости (2011)
6. Самсонова Антонина, Гребнева Алина. Лукавая цифра. Работа вне штата и вне офиса. Готовы ли стать фрилансером, если вас уволят в связи с кризисом? Эхо москвы.

Интернет сайтлари:

1. www.journalism.ru
2. www.mediasprut.ru/public/internet
3. www.opennet.ru
4. www.telemultimedia.ru

